

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи


Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 194 (6. 983)

1989 йил 25 август, жума

Баҳоси 3 тийин



Байроқдорлар ҳузурда

Меҳнат келтирган шухрат

ФОТОРЕПОРТАЖ

© Бу корхона номи фақат Тошкентдагина эмас, балки мамлакатимизда, ҳатто чет элларда ҳам машҳурдир. «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларини бутунги кунда ўнлаб чет эл мамлакатлари сениб харид қилмоқда. Кўпчилик мутахассислар, заводларнинг раҳбарлари бу ютуқлар сирини нимада деб қизиқишмоқда. Бизнинг ҳам мақсадики шу эди: кўп, бирлашма коллектив донининг сабаблари нимада?



Корхонанинг етакчи мутахассисларидан бири, бош энергетик, давлат қабули бўлигини Турғун Холмуродов билан кўндан бўён танишимиз. У бу ерда 1964 йилдан бери ишлаб келаяпти. Чорак аср. Бу оғир вақт эмас. У шу ерда ўсиб, намоъл топди. Ўн беш йил корхона партия комитетининг секретари бўлиб ишлади. Ҳозир эса бирлашма партия комитетининг аъзоси. Биз уни кенг истеъмол моллари тайёрлаш пехида учратдик. У прессларчи. Я. Кудряшовга маҳсулотлар сифати ҳақида давлат қабули қўйишга янги талабларни тушунтириётган экан. (Юқоридан суратда).

Бизнинг диққатини бўлмади. Мана ният фотомухбиримиз уларга сездириб сурат олди. Т. Холмуродов топириқларини бериб бўлган, биз томон юрдик. — Хўш, келасизлар, — деди у жимлайиб. — Қандай шамол учирди? — Сизларни кўтгалган келдик. Мукофотлар муборак бўлсин! — Раҳмат. Хўш, хизмат? — Орденодорлар билан бизни таништирсангиз? — Марҳамат.

Турғунжон, бундан олдин бизнинг битта саволимизга жавоб берсангиз. Мана, ақинда «Давлат корхонаси (бирлашмаси)» тўғрисидаги СССР қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақидаги янгиликни эшитдингиз. Айтингчи, бу ўзгартишлардан коллектив хурсандми? — Корхона директорида торттиб оидий ишчиғача бу ўзгартиш ва қўшимчалардан миннатдор. Шахсан ўзим, давлат қабули бўлиши сифатида бу ўзгартишларни тўла қўллаб-қувватлайман. Негаки, уларда корхоналарга янада кенгроқ мустақиллик бериш кўзда тутилди. Очиги, тўла ҳужалик ҳисоби шартларида мустақил иш олиб бораётганимиз нур устига нур бўлмоқда. Аммо бу ҳали ҳақиқий маънодаги тўла мустақиллик эмас эди. Неча шундай дешмак? Мана, биз мамлакат Оғир машинасозлиги министриги ижтисодиқимиз, Минг мустақил бўлайлик, ташаббус қўрсатилди деганимиз билан ана

Евгений Иванович Чупринин эса ўз кабинетидан учратдик (юқоридан чапдаги сурат). — Бу ерда директорлик қилаётганимиз 20 йил бўлди, — деб сўз бошлади у. — Ана шу давр ичида кўплай янги машиналар яратилди. Коллективнинг каттаю-кичиги таниш бўлиб қолди. Ишчи-хизматчиларга етарли шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг уй-жойли бўлишларига раҳбарлик қилиш эзгу нияти.

Директор ўз меҳнати, бирлашма учун қанчалик елги-огургадилари ҳақида кўп гапирмади. Икки оғизгина юқоридан сўзлар билан кингироланди. Холос. Аслида у директорлик қилаётган йигирма йил ичида бор-йўли икки марта наварал кўчма Қизил байроғини кўлга киритмади, холос. Қолган ҳамма кеараларда коллектив мамлакат тармоқ министриги кўчма Қизил байроғини кўлга киритиб келди. Уч марта КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини кўлга киритди. Ўйлаймики, ана шу ютуқларда Евгений Ивановичнинг ҳам ҳиссаси катта. Унинг яқинда Октябрь революцияси ордени билан тақдирлангани ана шу фидокорона меҳнатининг ақлол самарасидир.

Шу кунги кўпгина цехларда, участкаларда бўлдик. Янги-янги кранлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилатганининг гувоҳи бўлдик. Шу йилнинг ўтган даври мубайида сифат белгисини олган маҳсулотлар салмоғи 62 фоздан ошгани бизни гоятда қувонтирди. Бунда давлат қабулининг иқдор этилатгани ўз самарасини қўрсатгани сезилиб турибди. Виргина кенг истеъмол буюмлари пехида ҳозир 20 хилдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти. Улар орасида пластмасса челақлар, гудлондор, санитария-техника жиҳозлари ва бошқа маҳсулотлар бор. Келгуси йилда кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш бу ерда икки ҳисса кўпаяди. Барчаннинг фикри-ёди иш унумини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилмоқда. Қран йигуз пехида ҳам ана шу сате-ҳаракатнинг гувоҳи бўлдик. Тажрибали мураббий Игорь Тишин иш илчи Андрей Шевелева (пастдаги сурат) деталларни қандай қилиб сифатли тайёрлаш сир-асрорларини ўргатмоқда. Энг муҳими эса ёш ишчининг ўзида маҳорат силрларини тезроқ эгаллаб олиш ишчиқизи сезилиб турибди. Албатта, муаммолар ҳам йўқ эмас. Агар корхонага ваъда қилинган хом ашё ва материалларни Москваинг «Динамо» заводи, Грузиянинг «Поти» заводи ва бошқа таъминотчи корхоналар ўз вақтида етказиб турса, бу муаммоларнинг кўпи осон ҳал этилган бўларди. Фақат шахримизнинг янада, республикамизнинг фахри ҳисобланган «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасидан қайтар эканмиз, дилимида янона тилла бор эди холос: «Исми-ҳисмига мос корхона обрўйи бундан ҳам юксалаверсин!»

Ҳанид ИКРОМОВ. Р. Шарипов суратлари.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

«Воспалителларга ишона» — «Правда» газетасининг бутунги бош мақоласи ана шундай номлида. Мақолада ҳар бир партия ташкалати қайта қуришда ўз ўрнини топиш лозимлиги ҳақида фикр юрйтилади.

© Газетанинг иккинчи саҳифасидаги

«Касалини аниқлашдан — даволашга» сарлавҳаси остида миллий масала бўйича КПСС платформаси лойҳасининг муҳокимасига бағишланган хат ва хабарлар ўрин олган.

© Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, меҳнаткашларнинг раҳбарларига йўллаган мактублари эълон қилинган.

Қ ў ш и м ч а элликта магазин

Тошкентда матлубот кооперациясининг 50 магазини қурилиш бошланди. Сентябрь ойининг бошида улар дастлабки хариддорларни қабул қилиш лозим.

Селектор негашни нийҳонига етатгани. Уни Тошкент шаҳар Совети иқроия комитетининг шаҳар план комиссияси раиси Қ. Солиҳов олиб бораётгани. Қарийб бир соат мобайнида биз матлубот кооперациясининг шаҳарда қурилатгани барча магазинларини сирдан «саҳат» қилиб чиқдик. Қурувчи-лар тили билан айтганда, ушбу объектлар «шошилиқ» объектларини ҳисобланади. Уларни имкони борича қисқа муддатларда бунёд этиш лозим.

Шаҳар райолиари биринкетин алоқага чиқди. Район иқроия комитетларининг раислари сўнги маълумотларни маълум қилиб, дуч келинган муаммоларини хабар қилишди. Шунинг айтиш кераки, муаммолар пайсалга солимай ҳал қилинади. Турли қурилиш материаллари, технология жиҳозлари, ортилган машиналар зарур адреслар бўйлаб йўлга чиқди.

Қулай вақтни топиб мен шаҳар план комиссиясининг раисига бир қатор саволлар билан мурожаат етдим.

Биз қиришган иш ниятда муҳим ва зарурдир. Ёз ва баҳор — ҳосилин йиғиштириш даври, Тошкентда эса ҳозир тўқинчилик деб бўлмайди. Пештахталарда полиз маҳсулотлари етишмайди. Шунинг айтиш кераки, пештахталарнинг, савдо майдончаларининг ўзи ҳам етишмайди, — деб изоҳ берди Қ. Солиҳов. — Шунинг учун шаҳарнинг барча райолиарида бир йўла 50 та магазин қуриш, витаминли маҳсулотлар ташиб келишни қўйиштириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ахир бу иш ўнлаб ташкилотларнинг биргаликдаги куч-гайратини талаб қилади-ку? Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга қандай эришилган? Магазинларни ишга тушириш муддатларига ишона бўладими?

Воқеаларни башорат қилишга ҳаракат қилмайман. Дабдабали фикрлар ҳам мена ёт. Голубона рапортилар берилганда даврлар ўтиб кетган... Шунга қарамай, аксарият коллективларнинг «аёло» баҳода меҳнат қилганлигини таъйидламасликнинг иложи йўқ. Архитектура-планлаштириш Бош бошқармасига ер ажратиш учун

— Ишга тушириш муддатлари яқинлаштири, биз эса бир ерда депнсини туриб-район иқроия комитетининг раиси Ш. Нусратов. — «Ташкорстрой» 4-трести 6-қурилиш бошқармасининг ходимлари ҳам айтирлик гайрат қўрсатилаётгани йўқ. Яқинда улар қондага мувофиқ жойини белгилаб, зовур қазилган эди. Эртаси кунни ҳамма ишни янгитдан бошлашга тўғри келди: тевааратрофдаги уйларида истикомат қилувчи аҳоли зовурни текислаб қўйди.

Уларнинг бундай қаршилиқ қўрсатишига сабаб нима?

Этирозлар кўп эди. Бизни қурилиш нормаси ва қондаларини, қандайдир маҳум спорт майдончасини бўзишда айбланди. Ваҳоланки, бу ерда ҳеч қачон спорт майдончаси бўлмаган. Шу ерга район бош санитария эпидемиология тартиби асло бўзилмаганини аниқланди. Бундан ташқари у сабавот магазинини ҳатто уйнинг ер-тўласида ҳам жойлаштириш мумкин эканлигини тушунтирди. Қурилатган объект эса бойкут эълон қилган ўлдан 26 метр масофада жойлашган. Аҳоли табиий равишда ахлатхона ташкил топган ташланган ерга нима учун қурувчиларни қўйма-линка бутун куч-гайрати билан тўқинчилик қилаётганлигини тушунмайлган.

Район иқроия комитети раисининг аҳолини тушуниш мумкин. Ана шу ташкилотлик ерда мен ҳам спорт комплексининг ҳеч қандай изини топганим йўқ. Ўйлаймики, ахлатхона ўрнида сабавот магазини бўлгани яхшилигини ҳамма тушуна керак. Бунинг устига иқроия комитети шу ерда болалар спорт майдончасини бунёд этиш вазифасини ҳам қўйган.

4-Қорасув массивида ишларнинг аҳоли мутлақо ўзгача. Эрталаб бу ерда атиги бир нечта устун қад кўтариб турарди. Кенга бориб эса барча плиталар етказиб бўлинган, девор панелларини монтаж қилиш ишлари олиб бориладди. Объект республика Давлат қурилиш комитети 4-трестининг бошқарувчиси В. Аннинг доимий назорати остида, Ўйлаймики, бошқа магазинлар ҳам ана шундай жадал сурьатлар билан бунёд этилади.

В. БРОНШТЕЙН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Афғонистон халқига байналминал ердаме беришда учини топириқларини намунали бажарганлиги, бунда юксак учини маҳорати ва ватанпарварлик қўрсатганлиги учун куйдаги ўртоқларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади:

Исмагилов Фарид Зокро-вич — 1-учини отряди ИЛ-62 ҳаво кемасининг борт радиоти Куклин Николай Александрович — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг борт инженер-Мельников Владимир Андреевич — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг командири Норметов Карим — 1-учини отряди ИЛ-62 ҳаво кемасининг борт радиоти Пулатов Бақодир Муродович — 1-учини отряди ИЛ-62 ҳаво кемасининг борт радиоти Савкин Юрий Георгиевич — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг иккинчи учувчиси Солжоненко Анавар Акбарович — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг командири Самарцев Евгений Николаевич — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг борт инженери.

ҳаво кемасининг командири Токмев Николай Соколов — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг иккинчи учувчиси Тўлағов Жавдат Шокирович — 1-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг борт радиоти Умаров Роберт Абдулҳе-вич — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг штурмани Устинов Геннадий Михайлович — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг командири Ҳисомиддинов Мансур Мин-зокович — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг борт инженери Чеботарев Роман Григорьевич — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг борт инженери Чураков Владимир Александрович — 2-учини отряди ТУ-154 ҳаво кемасининг командири

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари

И. А. КАРИМОВНИНГ

1989 йил 19 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Мамлакатда қайта қуриш ўтири ва қийин даврини бошладан кечирмоқда. СССР билан қўшмада, СССР Олий Советининг мажлисларида, мамлакатнинг турли регионларида меҳнаткашларнинг оммавий чиқишларида бу, айниқса яққол намоён бўлди.

Ҳозир шундай вазият вужудга келдики, у жамиятини янгилаш учун қурашаётган барча кучларнинг энг кўп бirlаштирилишини талаб қилмоқда. М. С. Горбачев бир ой муқаддам КПСС Марказий Комитетиде бўлиб ўтган кенгаишда таъкидлаганидек, аввало партия ишчи-ни қайта қуриш зарур. Халқ қайта қуришни муваффақият қозонишига бўлган орзу-умидларини КПСС снвсати ва амалий фаолияти билан боғламоқда. Партия ташкилотларини шаънига қилинган ижидий таъкид талай даражада шу билан изоҳланади. Одамлар асло кел-

чиктириб бўлмайдиган муаммолар — озиқ-овқат, транспорт, савдо, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши, меҳнат режими ва унга ҳақ тўлаш, дам олиш шартлари қабил муаммоларнинг ҳал этилишини кутмоқдалар. Кейинги вақтларда экономикада пайдо бўлган бир қанча салбий тенденциялар вазиятини ижидий равишда чигаллаштирмоқда. Кўпгина халқ истеъмол молларининг тақчиллиги сезиларли равишда кучайди. Пул тобора қадрсизланиб бормоқда. Давлат бюджетининг камомоди секинли билан намайомоқда. Ишлаб чиқариш ва меҳнат ишхизмати анча пасайиб кетди.

Ана шуларнинг ҳаммаси социал кескинликнинг кучайишига олиб келмоқда. Миллий масала ҳамон ўтирилганча қолмоқда. Арманстон, Озарбойжон, Грузияда, Болтиқбойи ҳамда бошқа республикаларда моноролар давом этмоқда. КПССнинг яқинда эълон қилинган

«Партиянинг ҳозирги шарт-шароитдаги миллий снвсати» платформаси лойиҳасида юзага келган муаммоларни ҳал этиш қайта қуриш тақдирини ҳамма мамлакатимиз келажакти учун гоят катта аҳамиятга эга эканлиги ўқтирилади.

Мана шу ва бошқа энди-ятлар, қийинчиликлар бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтмади. Айни вақтда Ўзбекистондаги ишларнинг аҳоли республикасининг ўзинига хос бўлган бир қанча муаммоларининг намоён бўлиши билан чигаллашмоқда.

Принципиал аҳамиятга эга бўлган баъзи энг ижидий муаммоларга тўғалиб ўтиш-ишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан, республикада демография вазиятининг мураккаблигидир. Кейинги рўйхат маълумотларига кўра, сўнги ўн йил мобайнида аҳолимиз 4,5 миллион киши ёки 30 процент кўпайди ва ҳозир 20 миллион кишини ташкил этади.

Одамлар турмуши тобора беҳаловат бўлиб бораётганлиги, ижтимоий-фойдали меҳнат соҳасида банд бўлмаган кишилар, оидий қилиб айтганда ишсизлар кў-

паяётганлиги, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳолининг даромадлари камайиб, пировард натижада халқ фаровонлиги пасайиб кетаяётганлиги, мана шундан келиб чиқиб, партиянинг қўрсатиш-чи, ҳозир Ўзбекистонда аҳолининг ҳаёт ҳисобланган даромади 75 сўмдан ошмайди, 8 миллион 800 мингга яқин киши илаб турибди, бу эса аҳолининг 45 процентини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кун нечи-либ бу ерда 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шу кишилар ҳозир қандай қийинчилик билан учма-уч илаб келишяётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин.

Иккинчидан, республика халқ ҳўжалиги бир ёқлама, айтишим мумкинки, ҳаддан ташқари ижтисослаштирилганлигидир. Шундай аҳвол вужудга келидики, қишлоқ ҳўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хом (Давоми иккинчи бетда).

1989 йил 26 август соат 18 да «Хумор» чойхонасида «Оқшом» кечаси

© Онда ва иш ташвишлари билан бўлиб, анчадан бери Ленин комсомоли номидagi марказий маданият ва истироҳат богига ташир буюрми қўйганинига асло афсусланмаг. Бу галли дам олиш кунинида, яъни 26 август кунини онла аъзоларини тиз билан шу боққа келсангиз кўпгина қизиқарли ташаббусларнинг гувоҳи бўласиз. Эрталабданок болаларнинг оммавий ўйинлари аявнига чиқди, республика кўнрчоқ театрининг спектакллари намоийини бошланди, махсус советларни олиш учун шахмат мусобақаси дейсизми, Ғафур Ғўлом номидagi шаҳар маданият уйи бадий хаваскорларининг ижодий ҳисоботини, «Тўёна» вокал-чолгу ансамблининг концертини, хуллас, «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси, истироҳат боғи маъмурчиси ва бир қатор мутасадди идораларнинг ташаббуси ва ҳамкорлигида ташкил дам олиш программаси бу ерда ташкил бўлди.

Соат 18 да маданият ва истироҳат боғининг «Хумор» чойхонаси кун бўлиб ерда ўтказиб келинган тадбирларнинг ўзига хос бош марказига айланди. Сиз бу ерда «Тошкент оқшом» газетаси редакцияси ходимлари-ю газетанинг жамоатчи, жон-қуяр муаллифлари билан, ёзувчи ва шоирлар, ишчилар, олим ва саяхаткорлар билан учрашасиз. Қизиқарли савол-жавоблар, баҳс ва мунозараларда бевосита қатнашинингиз, «Оқшом» газеталарида 1980 йил учун обунани расийлаштиришингиз ҳам мумкин.

Истироҳат боғининг бошқа жойларида эса ана шу пайтда турли спорт мусобақалари, бошқа қўнғилочар ўйинлар давом этади, эртақлар шаҳарчасига саёҳат уюштирилади, қайиқда саёр қилиш ишчибозларининг мовий кўл ўзига чорлайди. Энг яхши пазандалар хизматинида бўлишди, «Оқшом» фотокўргазмаси муҳлисларини ўзига жалб этади, гул ва кўш ишчибозларининг қувонч кечиси бўлади, шеърхонлар, ишқ қувонч авнига чиқди, қурайлар кўшқига, рақслар рақсларга узаниб кетди.

Шамба кунинг зақли ва қувноқ ўсиши десангиз 26 август кунини Ленин комсомоли номидagi марказий маданият ва истироҳат богига албатта ташир буюринг. Бир ҳафталар чарчонини унутасиз, мириқиб дам олсангиз, яхши кайфият билан уйга қайтасиз. Шундай қилиб, азиз ёшлар, сиз Сизларни истироҳат богига, «Хумор» чойхонасида сабрсизли билан кутамиз!

И. А. КАРИМОВНИНГ

Марказий Комитети XVI пленумида сўзлаган нутқи

лаш учун вақтинси бо
ва хали ҳам вақтинси
Ўз ишимизни ана шу
собра олиб ташкил
миз керак. Август
пахтazorларда меҳна
лаётган кишилар ча
лиги яққол сезилган
лардир. Шу сабабли де
да меҳнат қилдиган
ра, ҳужалиқ ҳисобини
тираётган кишилар т
да биринчи навбатд
хўрлик қилиш керак
лангич партия ташки
Ўз фаолиятларини
коллективларига
лари, вужудга кел
муаммоларни ўз вақти
этишлари зарур. Дал
лонлари ишини кучай
сундилар, меҳнатча
ишчилар ва колхоз
ишчи оқори унум
меҳнат қилишлари
шахнатдорларини

Ийғим-терим маъ
қадар қолган 15-20
ичида ҳаммамиз зўр
меҳнат қилишимиз,
бажариш учун зару
дорда ҳосил тўпла
дозим

Гўза парваршишни
тириш билан бир вақт
қончилик ва чор
нинг бошқа соҳалар
ишларни ҳам бўшаши
лик лозим. Бизда ҳам
шак тайёрлаш қон
бормоқда. Ҳўжалар
йилдагидан 25-30
қон қичан тайёрлаш
хашакнинг сифати ҳам
эмас. Буларнинг ҳ
плалларнинг бажари
хавф остида қолдирад
бир ҳўжаликдаги иш
шириро аҳволни ўнгл
рак.

Хар бир областни хусусиятлари бор, а Бинобарин ёндашув ёчимлар ҳам турлилиши мумкин. Партмитетлари, совет оргмеҳнат коллективлариниб, ишни яхшилконкрет йўлларини, рини аниқлаб олимуҳимдир.

Энди шу ерда ў
одамларнинг ҳаммаси
республиканинг бар
лисини ҳам хайюнга
ган параслар ту
қисқада таъри
Гал келгуси йилда
етиштириш ҳаёми ту
боришти. 1990 йилда
йилда 1710 минг
ўнинг 1500 минг
пахта толаси харид
режалаштирилмоқда.
тола 210 минг тон
плайлаштирилмоқ
олинмаган пачага
тирилмада қанча б
ни хар қим ҳисобла
ши мумкин. Келгус
тайёинлашга

ри ҳайда, шунинг
пирямидмани, 1990
башлаб бизда бу кў
плавлаштираймади.
бир колхоз ва совх
тирилдиган пахта ҳ
аввало ўзининг иқ
манфаатларидан, ў
маддларидан келиб
хуллас, иқтисоди
дан мақсадда мувофи
ҳисобга олиб, пахта
юзасидан белгилан
топириққа асослан
белгилади. Қанча е
рма экинчи ҳар бир
пахта совхознинг кол
ўзи ҳақ чидади бу
бир айрим регионин
хос хусусиятларини
си соҳага иқтисодла
гандилини, табиат е
нларидан омилқор
лан фойдаланишини
бир олади.

Яна бир муҳим масъала пахта нархи масаласи. Биз 1990 йил плацҳаҳси билан тифтоқларига икки марта учраш КИСС Марказий Коммуналмақомати Министр Совети ва Госплани рияти билан учрашди тун масъулиятни зин олиб, ҳозир шуни айтаманки, пахта нархи ҳам си яқин ойлар ичида қийимлади. Бу муаммо қийишимиз учун ҳи тобларга кира қара

миллиард сўм талаб
ди. Иттифодга бу му-
масулият билан ён-
длар, республика-
деярли бутун аҳоли-
фаатлари ва фар-
ана шу муаммолар
лиш билан боғлиқ эк-
ни қўриб туришмо-
ди.

Хўжор очигини айт-
рак, биз бу ҳақда жуд-
гапирлик ва ҳали ҳам
ялмиш, аммо, минг а-
масалани далил-исбот-
лан асослаб тўғри қи-
ямияймиз. Москвада
ёмон муносабатда бу-
ти, биз ўртага қўйган
ларани ҳал қилиш
делаларини қил қў-
рак. Биз, раҳбарлар
салалари билан
билмидонлик билан
қўйишмиш, уларнинг
этилишига изчиллик
эришишимиз, ҳар
ҳолда ҳам айбон бир-
га тўнамай ва бироял
орқасига яширнай,
улятиши ўз зиммасиз
шмиш керак,

Олдинда бизни жуда та ишлар кутмонда. Биз тизомни, яна бир партия тизомни мустақамлаш хамма ишни қилин кадрлар масъулиятини иришимиз, ғайрат биле шабуоскорлик билан ҳақ қилиб, партия ташкирининг обрўсини иш одамларимизнинг турли иш яхшилаш билан камлашимиз керак.



Янгиликдан хабарингиз борми?

Компьютер маркази

«Алгоритм» электрон-хисоблаш машиналари заводида ишчи, хизматчиларнинг социал-маиший соҳага бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Корхона ҳисобидида янги уй-жойларни барпо этиш, болалар босқаларини ишга тушириш ишлари тезкорлик билан олиб борилаётган. Завод яқиндагина ўзининг аjoyиб компьютер марказига ҳам эга бўлди. Бу билан корхона атрофидаги турар жой масивларида истиқомат қилувчиларигагина эмас, балки бутун шаҳарда катта-юкички ёлдоғида замонавий техника икхосмандларига электрон-хисоблаш машиналари билан яқиндан шугулланиш имконини яратди.

«Қизил шарк» массивидаги ташлашди, қурувчилардан мерос қолган бино ўрнида компьютер марказининг ташкил этилиши айни мўлдоо бўлди, — дейди «Алгоритм» заводи директори ўринбосари Бахтиёр Маҳмамович Хусанов. — Марказнинг хизмат соҳаси кенг қамровли. Икхосмандлар бу ерда ўзлари севган машғулотлар билан бемалол шугулланишлари мумкин. Бундан ташқари кичик дўстларимизнинг ҳамхўрлиги ҳам қўриб қўйилган. Шунинг учун ҳам болаларнинг компьютерли ўйин зали доимо жажони ўғил-қизлар билан гажум бўлмоқда.

Заводнинг компьютер маркази шахримиздаги дастлабчи намунали масканларнинг биридир. Ҳозир унда қўйилган прокат хизматидан аҳоли кенг фойдалана бошлади. Бундан ташқари муҳим буюртмаларни адо этиш чоралари қўриб қўйилди. 74-68-27 телефон номери орқали ҳозир қўпчилиги марказ билан боғланмоқда ва ўзига керакли маълумотларга эга бўлаётган.

Ҳозир машғулот заллари аса ҳар доим гажум бўлади. Ҳар бири 5 минг сўмдан иборат бўлган 20 та «Агат» электрон-хисоблаш машинаси ва 12 та «Сўғдиёна» компьютерида хоҳлаган одам истаган машғулоти билан шугулланиш мумкин. — Бу ерда бўлиш жуда мароқли, — дейди Қўйишев районидаги 67-мактаб ўқувчиси Станислав Куденко. — Ўзги таътилга чиқаётганимда электрон-хисоблаш машиналари билан ишлашдан анча йироқлашиб қолар эканман деб ниятда ташвишланганим. Йқин танишим орқали «Алгоритм» қошида ишлаб турган компьютер марказидан дарак толдиму, тўғри бу ерга келдим. Замонавий электрон машиналари билан жижҳозланган ўқув машғулот заллари бир зумда мен сажрлаб олди. Ҳозир машғулотларга берилиб кетганимдан кунларнинг қандай ўтаётганини сезмай қолаётман. Ҳисоблаш техникаси сирларини чуқур эгаллаётман.

Энг муҳими компьютер марказининг оммавийлигидир. Бу ерга келувчилар унинг арзон ва қулай хизматидан чуқур қониқиб қолган. Келгусида марказнинг филиаллари жойларда ҳам ташкил этилади. Жумладан, бу иш энг аввало «Алгоритм» ва «Гулистон» турар жой массивларида амалга оширилади.

А. РУСТАМОВ.

СУРАТЛАРДА: компьютер марказининг пастки қўриниши; ўқув машғулот заллари.

Илгариги мавзуга қайтамиз

Чалкан таъминот

Яна ўқув қуроллари тақчиллиги ҳақида

© «Биринчи сентябрга саноқли кунлар қолди, — деб ёзади ишчи Абдуҳусит Ҳабибов. — Аммо унинг ўзига яраша ташвишларидан қутула олмаганимиз. Йқин ойда бери мактаб формасини қидириб аранг толдим. Ёнди дафтар излаб овера бўлиб юрибман. Бормаган жойим қолмади. 1-синфда ишлатилган бу ўқув қуроллари наҳотки шунчалик тоқилмас натоҳта айланиб кетган бўлса. Ёшиқинишма, ўчирғич, кундалик дафтар, спорт формаси, ўқувчилар оёқ кийими ҳам шундай аҳволда эмиш. Савдодаги бу тақчилликка қачон барҳам берилади?»

Қунонча газетхонининг фикрига қўшилмай бўлмайди. Афсуски, излаб ота-оналар фарзандларининг ташвишида кунларни ҳозир бедор ўтказишмоқда. Излаган нарасаларни топа олмаганиларидан қаттиқ хуноб бўлишяпти. Тўғри, айни пайтда бир қанча жойларда мактаб бозорлари ишлаб турибди. «Болалар дўкиси», Марказий ва Бош универсал магазинларида мактаб формалари, қолаверса ўқув анжомлари билан савдо қилиш йўлга қўйилган. Йратилган қулайликлар кишини қўнантиради. Аммо минг маротаба ашитгандан кўра бир маротаба кўрган афзал. Шунинг учун ҳам жойлардаги ҳақиқий аҳвол, билан танишишга жажм этдик. «Ташкилот»нинг Чилонзор районидаги 6-кинот магазинига кириб борганимизда ўқув қуролларини талаб қилётган ўғиллар харидорларга дуч келдик.

— Бундан бери биринчи синфга борадиган ўғилларга мактаб формаси излаб юрибман, — дейди чилонзорлик Ирина Медведова. — Лекин, топа олмадим. Бунинг устига ўчирғичнинг нархи ошди. Илгари бир тийин турадиган бу ўқув қуролининг ҳозир 30 тийиндан сотилаётгани ажаблантиради одамни.

Мен эса кундалик дафтар топпай гаранганман, — деди суҳбатимизга қўшилган 2-троеликбус депоси хизматчиси М. Шерботова. — Ҳар йили шу ташвиш: ўқув йили бошланганда мактаб формаси излаб юриш қўпчилик қурайди. Кошки истаган нарсани топиб бўлса.

— Бу ҳақида эътирозларга қўшилмай бўлмайди, — дейди магазин директори Раҳимберган Мамутов. — Кундалик билан 3 тийинлик дафтар бозорда ҳозир ҳақиқатан ҳам йўқ. 5 тийинлик расм дафтарини анчадан бери беришмаяпти. 22 тийинлик бор, аммо у ўқувчиларга қимматлик қилади. Кичинотки ҳавасорларга бўёқ қалам етказиб бера олмаётганимизга нима дейсан? Беришмаганидан кейин қийин экан!

Фарҳод қўчасидан савдо растансининг «Болалар дўкиси» магазинида ҳам юқоридagi манзаралар дуч келди. Фарзандлари ташвишида юрган ота-оналар бизни дарров ўраб олишди.

— Бекободликман, исимим — Лидия, фамилиям Иванова, — деди тўладан келган аёл ҳасратидан чанг чиқиб. — Узоқ бўлса ҳам атайлаб Тошкентга кичинотки синфга борадиган ўғлим учун мактаб формаси ва кундалик дафтар излаб келгандим. Афсуски, бу ердаги аҳвол ҳам ўзимизникидан яхши эмас экан. Ҳафсалам пир бўлди. Қаерга боришга ҳайронман, масумга шунчалик ҳам бепарволик билан қарашадими? Пештахталарни

қаранг, оддий 3 тийинлик дафтарни ҳам топа олмайсиз. Рангли қалам, бошқа ўқув жиҳозларини айтмаса ҳам бўлади.

Суҳбатдошимиз ҳақ эди. Афсуски, ҳозирги кунда болалар ташвишида йўл кезиб, магазини-магазини сарсон бўлаётганлар оз эмас. Пештахталардаги ўқув қуролларининг турлари кам, уни ҳамма ердагидек қиммат расм дафтар, рўқалар эгаллаб олган. Ўқувчига эса арзон, қулай ўқув қуроллари керак.

Горький номили болалар боғида оладатганидай ташкил этилган мактаб бозори ҳам қўпчилигининг эҳтиёжига тўла жавоб беришяпти. Бу ерда ўқув қуроллари ва мактаб формасининг тақчиллиги бир қарашдаёқ кўзга ташланади. Харидорлар эса сотувчидан хафса.

— Айтсам дилим, айтмасам тилим куйди, — дейди ҳамшаҳримиз Матлуба Абдуқодирова. — Ишонсангиз 15 кундан бери ўғлимга оқ қўлдан оломай қўнобман. Қаерга борсам менга керак бўлган 36-размерни йўқ деб елка қисшадим. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Сотувчига осон тўмоқчи эмасман. Аҳоли эҳтиёжини биринчи навбатда у яхши билади. Шунинг учун ҳам аҳолига қулайлик яратиш борасида ҳамхўрлик кўрсатиш йўллариини изласа бўлмайди?

Дарҳақиқат савдода ҳали хизмат маданиятини ошириш учун қўп ишлар қилиниши керак. Ширинсўзлик қанчалик яхши фазилат бўлса ҳам бутунгун кун кишинини қаноатлантира олмайдми. Ахир бун қоп қачон тик турган. Биз бу билан йўқин йўқини сотувчининг зиммасида демоқчи эмасмиз. Аммо аҳоли талабини ўрганиш ҳисобига у эҳтиёжини қондириш чораларини қўриши ҳам керак-ку?!

Бу иш усули қарор топса фақатгина яхши самара берган бўлар эди. Афсуски, сотувчилардаги эътиборсизлик, ҳафсаласизлик қимматга тушмоқда. Одамлар ўқув қуроллари ва мактаб формасини қидириб сарсон бўлишяпти.

— Мактаб деса бир газ учиб тушадиган бўлиб қолди, — дейди эр-хотин Арида ва Солиқдор Раҳматовлар. — Биринчи синф формаси йўқ. Кундалик дафтар, ҳисоб ва ёзув дафтарларини ҳам топпаймиз. Бутун икхаламнинг ҳам ишдан кейинги вақтимиз беқор кетди. Афсуски, бир биз эмас, бошқалар ҳам шундай овера бўлишяпти. Бунингга нима дейсиз?

Нима ҳам дердик, сотувчига юзланганимизда ундан олинганда жавоб оладатганидай бўлади. «Борини сотиб бўлди. Эҳтиёж катта. Келаятган мол оза». Ахир бу бор масъулиятдан ўзини четга олиш эмасми? Оворагар-чилиқка зарурат бўлмаслиги учун масвум олдидан унга жиддий тайёргарлик қўришдан бўлиши зарур эди. Афтидан масаланнинг ана шу томонлари пухта ҳисобга олинмаганга ўхшайди. Акс ҳолда биз кўча-кўйларда кундалик дафторни кўрган борми деб зорланиб юрганларга дуч келмаган бўлардик.

«Ташкилот»нинг магазинлари орқали бу йил шу ўқув қуролининг 350 минг донаси ўқувчиларга етказиб берилди. Ҳозиргача бор-йўғи 150 минг дона кундалик дафтар магазинларга чиқарилди, холос. Қолган 200 минг донасини фонд бўйича III, IV кварталда аҳолига сотилади. Шу ўрнида ўринли бир саволнинг туғилиши шубҳасиз. «Ташкилот»нинг

«Восход» ишлаб чиқариш бирамшаси ҳам шундай суқашликка йўл қўйди. Бу коллективнинг 250 минг дона ўқув дафтарли ҳалича «Ташкилот»га қарашли магазинларнинг пештахталарини кўрган йўқ. Олинган шериқларни қўйинг. Тошкентдаги ўқувчи қозғабганининг оидий тартибга риоя этибганининг нима дейиш мумкин? Бу корхона «Ташкилот»нинг 8,5 миллион дона ўқув дафтарли билан таъминлашга керак. Афсуски, ҳозиргача олингани 2 миллион донадан ортмайди. «Узқулот»нинг Тошкентдаги обастлар базасида наҳотки таъминотчиларни изга соладиган, тартибга қаратилган йўқ бўлса? Еки ҳалигача улар вақт ўти, хизмат кетса бўлди деган илжин билан юришибдикиман?

Йнги ўқув йили эшик қоқмоқда. Ўтаётган ҳар бир кун унга жиддий тайёргарлик қўрилишини тақозо этапти. Шундай экан ўқув жиҳозлари, мактаб формаси ва спорт кийимлари ахтариб юрганларнинг эҳтиёжини қондиришга жиддий эътибор берилаётганлигига бепарво қараб бўлмайди. Ҳали ҳам кеч эмас. Шаҳар савдо Бош бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлардаги ўртоқлар ташаббуси қўлга олиб тезкорлик билан ишчи яхшилаш чораларини қўришлари керак.

«Тошкент оқшоми» рейд бригадаси — Т. ТОШЕВ, Р. АХМАДЛИЕВ, Р. АКБАРАЛИЕВ, Т. КАРИМОВ.

Жонажон Ватан бўйлаб

● МИНСК. Меҳнат коллективлари ва айрим граждандар ўтказган маблаглар Беларусияда Чернобыль аварияси оқибатларини тугатишга жаддаллаштиришга ёрдам беради. СССР уй-жой-социал банкнинг Беларусия Республика бўлимида очилган 70073 счётига дастлабки тушумлар келга бошлади. Бошқа давлатлар граждандари, чет элларда ишлайётган совет кишилари ёрдам бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, чет эл валютасида тушадиган маблагларни қабул қилиш учун счёти очилди. Бу СССР ташқи иқтисодий банкнинг Беларусия Республика бўлимидаги 000700801 счётидир.

● БОКУ. Оқиллар ўрта аср қўлэмаларидан топан Шарк табобати усуллари Озарбайжонда ташкил этилган «Фармакология ва халқ табобати» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маълумотлар банкига киритилган дастлабки ахборот бўлди. Янги бирлашма асотиология методлари асосида препаратлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, халқ табобати ва клиник фармакология методларига асосланган самарали соғломлаштириш ва даволалаш воситаларини илмий жиҳатдан текшириш ҳамда соғлиқни сақлаш практикасига жўйин этиши керак.

● МОСКВА. Тарас Шевченконинг машҳур «Василия» шеърининг ноёб наشري китобсаварлар коллекциясини тўлдирди. Украина ССР Фанлар академиясининг «Науково думка» нашриёти босмадан чиқарган бир томликда бу шеър бир юз қирқ етти хил тилда босилган. Масалан, шеърни Амур дарёсининг қуйи қисмида яшайдиган кам сонли халқ гаплашадиган нивх тилида ҳам ўқиш мумкин.

● ТОБОЛЬСК (Тюмень области). Бир гуруҳ америкалик ёшлар Сибирь дарёлари бўйлаб сафарга жўнаб кетди. Улар Тобольск нефть-химияси комбинати коллективининг тақлифига биноан мамлакатимизга келди. Бундан икки йил илгари Кеунсил-Блафс шаҳрининг (Айова штати) мактаб ўқувчилари Тобольскка мактаблар, эсдалик совғалари ва дўстлик тўғрисидаги тақдирномалар солишган позиция юрган эдилар. Мана учрашув ҳам бўлди. Америкалик ёшлар орасида асосан коллективнинг ўқувчилари бор. «Ленинский комсомол» теплоходда уларга нефть-химияси комбинати болалар босқаларининг инглиз тили курсларида шугулланётган тарбиячилари ҳамкорлик қилмоқдалар.

● ДОНЕЦК. «Тошкент-2» янги кон қондиришга ўта нозик қатламларни қазинишда, меҳнат унвондорлигини кўтаришда қончиларнинг меҳнат шариотларини яхшилашга ёрдам беради. Горловкадаги Киров номили машинасозлик заводида 21 август кунини шундай агрегатнинг дастлабки ишлаб чиқарилиди. Агрегат «Оржоникидзеуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси шахталарида жудаям оғир шариотларда ишлайди.

● КУЙБИШЕВ. Область деҳқонлари дон янчилини авж олдириб юбордилар. Улар учинчи миллион тонна донни янчишга киришдилар. Давлат омборларига Волгининг сара дони узлуксиз келтирилмоқда. Ҳозирнинг ўзида 550 минг тонна гаппа сотилди.

● ТУРСУНЗОДА (Тожикистон ССР). Комсомол 60 йиллиги номили иқтисодлаштирилган совхоз баҳор фаслига қадар янги узум билан савдо қилиш мумкин. Бу ерда 21 август кунини ҳаво ҳарорати ҳамда навлиги тартибга келтирилиб турилган жуда катта омборхона ишга тушди. Республикада шу йилнинг ўзида мева-сабзавотларини савлаш қуввати 22 минг тоннага кўпаяди.

● ЛЕНИНГРАД. Ленин ордени Ленинград ҳарбий округи жангчилари нокоратупроқ зонасининг қишлоқ меҳнатчиларига яхши совға қилдилар. Улар узунлиги қарийб 8 километр бўлган ва асфальт ётқизилган автомобиль йўлини фойдаланишга топширдилар.

● ИРКУТСК. Байкал соҳилларида драматург Александр Вампилов хотирасига бағишланган аниъанавий кунлар ниятсизга етди. Совет маданият фонди Иркутск области бўлими адабий байрамга атаб юртдошга бағишланган чиройли девор календарини чиқарди.

● ФРУНЗЕ. Республика Фанлар академияси оқиллари ВХР олтойшунслар институтидagi ҳамкасблари билан шартнома тузишди. Беш йилга мўлжалланган программалар Венгрия олимларининг катта аҳамиятга молик ишларини тарбия қилиш, қўшма экспедициялар, турк-венгер тарихий алоқалари муаммолари юзасидан анжуманлар ўтказиш киритилган.

● ЧИТА. Бу ерда ярим аср муқаддам қардош Монголия шоҳ-шўхрати ва мустаклигини ҳимоя қилган ҳамда Чита госпиталларида жароҳатлардан вафот этган Совет байналминччи-жангчиларнинг қабрида ёдгорлик очилди. Ветеранлар ва ёшлар қардошлик қабристонига туллар қўйишди. Чита гарнизони жангчилари қаҳрамонлар хотирасини ҳурмат билан эслаб, тантанали юриш қилдилар.

● СУВОРОВО (Молдавия ССР). Молдавиянинг «Леоны» совхозининг қарилмак тағшини сураётган ветеранлар диққат-эътибор ҳамда ғам-хўрлик билан кўршаб олинганлар. Бу ерда энг аввало ёлғиз пенсионерларга алоҳида

эътибор беришмоқда. Уларга совхозда янги қурилган иккинчи уйнинг биринчи қаватидан шинам квартиралар, ёрдамчи бинолар ажратилди. Бу биноларда мол ва парранда боқиш мумкин, сабзавот ва мева етштириш учун ер участкалари ажратилди. Ветеранларнинг ҳар бири ерни ҳайдаш учун трактор буюриши мумкин. Уларга етштирилган ҳосилни йиғиштириш ва ташиб олишда бепул ёрдам беришмоқда. Агар пенсионер квартираси ёки уйнинг ремонт қилдирадиган бўлса, қурувчилар берибдаси улар хизматига тайёр. Хўжаликда кекасий қолган кишиларга қарш, уларга озиқ-овқат махсулотлари, дориндорлар сотиб олиш вазифаси юклатилган махсус уй хизматига иш ҳақи тўлаш учун маблаг ажратилди.

● НИЖНЕВАТОВСКИЙ (Тюмень области). Шангареелар оиласига совға қилинган «Раф» машинаси ролпа-роса ўттиз минг сўм туради. «Нижеватовскнефтепесчстрой» трести коллектив бу ота-оналар ҳамда уларнинг олти фарзандига ана шундай аjoyиб совға қилдилар. Ойла бошлиги Зуфар Маваляевич макуру трестда кўп йиллар ишлаган эди. Кичик автобус янги бўлмас ҳам кўп болалик оиласига ҳали кўп хизмат қилади.

[ТАСС].



Авария-қўтқарув хизматларининг вазифаси аниқлашда уйраган, деишда, тоғларда ва йўлларда мушкул вазиятга тушиб қолган одамлар ҳаётини сақлаб қолқишга қаратилган. Тажриба шунини кўрсатмоқдаки, ҳақиқат ҳам бунинг уйдасидан чиқиб бўлмайди. Базан қўтқарувчилар иттибери зарур техника, қидирув воситалари, биринчи ёрдам кўрсатиш учун медицина препаратлари бўлмай қолади.

Мураккаб вазиятларда биргаликда ҳаракат қилиш программасини мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқиш мақсидида Краснодар ўлкасида турли идораларга қарашли

СУРАТДА: машқ пайтида.

В. Веленгурин сураглари (ТАСС).

Болтиқбўйига, Москва атрофига, эҳтимол Иссиқкўлга саёҳат қилмоқчидирсиз? — ўзингизга маъқул бўлганини танлаб олинг!

Эътиборингизга мамлакатимизнинг турли бурчакларига саёҳат йўлланмаларини ҳавола этамиз:

МАЖЕЙКА (Рига яқини) — 3-7 ноябрга — 259 сўм;
ЕРЕВАН — 5-9 ноябрга — 209 сўм;
КИЕВ — 5-14 ноябрга — 335 сўм;
МОСКВА — 6-9 ноябрга — 175 сўм;
ЮРМАЛА — 9-14 ноябрга — 296 сўм;
КИСЛОВДСК — 10-30 ноябрга;
МОСКВА — 11-13 ноябрга — 167 сўм;
ПАЛАНГА — ЛЕПЕЯ — РИГА — 12-25 ноябрга — 371 сўм;
ЛВОВ — 13-17 ноябрга — 236 сўм;
ВОЛГОГРАД — 13-17 ноябрга — 195 сўм;
АНИКШЯЙ (Шилляси дам олиш уйи) — 14-20 ноябрга — 274 сўм;
ДРУСКИНИКАЯ — 15-26 ноябрга — 305 сўм;
ОДИНЦОВО (Москва области) — 16-20 ноябрга — 294 сўм;
ПУШЧА—ВОДИЦА (Киев яқинида) — 17-21 ноябрга — 247 сўм;
ВОЛГОГРАД — 27 ноябрга — 1 декабрга — 195 сўм;
ЮРМАЛА — 30 ноябрга — 4 декабрга — 296 сўм;
ВЕНСПИЛС—ДОБЕЛЕ — 30 ноябрга—6 декабрга;
СЕВАСТОПОЛЬ — 27 ноябрга — 1 декабрга — 283 сўм;

ДУШАНБЕ — 6-8 ноябрга — 81 сўм;
КРЕМЕНЧУГ (Днепр дарёси бўйида) — 4-8 ноябрга — 220 сўм;
ЛАЗАРЕВСКОЕ — 2-22 ноябрга;
ЗАГОРСК (Торбеево кўли) — 10-14 ноябрга — 204 сўм;
ТАЛЛИН (дам олиш уйи) — 26 ноябрга—1 декабрга — 244 сўм;
КАУНАС—СВЕТЛОГОРСК — 7-16 ноябрга, 28 ноябрга—7 декабрга — 304 сўм;
СОЛИГОРСК (Минск яқинида) — 18-22 ноябрга — 260 сўм;
ВЛАДИМИР—БОРИСОВ — 15-24 ноябрга — 303 сўм;
ТБИЛИСИ — 14-18 ноябрга, 13-17 ноябрга — 258 сўм;
ДРОГОБИЧ — 2-21 ноябрга — 383 сўм;
ЕРЕВАН — 17-21 ноябрга — 209 сўм;
КАЛИНИНГРАД (Москва области) — 17-21 ноябрга — 203 сўм;
КРАСНОГОРСК (Москва области) — 18-22 ноябрга — 213 сўм;
ЮРМАЛА — 19-24 ноябрга — 296 сўм;
ДАУТАВТИЛС (Рига яқинида) — 19-24 ноябрга — 294 сўм;
ВЛАДИМИР (Олтин ҳалқа) — 20-24 ноябрга — 294 сўм;
КИЕВ — 20-24 ноябрга — 242 сўм;
СОЧИ — 21 ноябрга—11 декабрга — 434 сўм;
КАЛИНИНГРАД (Каунас) — 21-30 ноябрга — 289 сўм;
ЕССЕНТУКИ — 22 ноябрга—11 декабрга — 314 сўм;
ВОЛГОГРАД — 24-26 ноябрга — 151 сўм;
НАРВА—ЛЕНИНГРАД — 27 ноябрга—5 декабрга — 315 сўм;
ЛИПЕЯ (Рига яқинида) — 27 ноябрга—2 декабрга — 266 сўм;
ДРУСКИНИКАЯ — 27 ноябрга—8 декабрга — 305 сўм;
ДРОГОБИЧ — 22 ноябрга—11 декабрга — 383 сўм;
КОСОВ («Верховина» саёҳатчилик базаси) — 4-8 ноябрга — 240 сўм;
МИТИШЧИ (Москва области) — 10-14 ноябрга, 24-28 ноябрга — 213 сўм;
НИКОЛАЕВ (Одесса) — 11-15 ноябрга — 247 сўм;
ЯЛТА — 5-25 ноябрга — 365 сўм;
АНИКШЯЙ (Вильнюс) — 20-24 ноябрга, 28 ноябрга—2 декабрга — 237 сўм;
МЦХЕТА—ДАГОМИС — 17-20 ноябрга — 329 сўм.
Бундан ташқари ИССИҚКўлга ва ҚОЗОГИСТОНга йўлланмалар бор:
БОСТИРИ (шмоллий соҳил) — 31 августдан 11 сентябргача — 156 сўм;
«ЮЖНАЯ» саёҳатчилик базаси (Чинкент яқинида)—ўн кунга 26 августдан 4 сентябргача, 4 сентябрдан 13 сентябргача—92 сўм;
беш кунга — 26 августдан 30 августгача, 30 августдан 3 сентябргача, 3 сентябрдан 7 сентябргача — 44 сўм.
Йўлланма баҳосига ҳар икки томонга бориб-келиш, оқаётгани, жойлашши, экскурсия хизмати харajatларни киряди. Бизнинг адрес: Тошкент, Навоий кўчаси, 69 «а». Метронинг «Пактақор» станцияси.
Телефон: 44-12-90.

Саёҳат-экскурсия йўлланмаларини сотиш бюроси.

«Союзреклама» Бутуниттифок ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

